

Халқ сўзи


Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 28 март, № 59 (3858)

Сешанба



“Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодига кура олади”, деб таъкидлагандилар давлатимиз раҳбари. Бугун ёшларимиз ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун кўплаб замонавий спорт мажмуалари қад ростлапти.



БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒА

Наврўз нашидаси кезиб юрган айна кунларда Яққасарой туманидаги Қушбеги маҳалласи ёшлари аjoyиб совға олдилар. Маҳаллада барча кўлайликларга эга бўлган замонавий Болалар спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Худудимизда жойлашган 45 та кўпқаватли уйларда ўн минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Қушбеги маҳалласи оқсоқоли Мирзатулла ака Мирзарайимов. — Шуларнинг 4200 нафарини ёшлар ташкил этади. Бугун фойдаланишга топширилган мажмуада волейбол, баскетбол, гандбол, бадий гимнастика, мини-футбол, кўл тўпи, стол тенниси каби ўнга яқин спорт турлари билан шуғулланиш учун шароитлар етарли. Спорт иншооти бир кунда 500 нафарга яқин болани қабул қилиб олиш имкониятига эга. Қолаверса, бизга қўшни бўлган Бошлик, Тўқимачи, Яққасарой-1 ва Яққасарой-2 маҳаллаларида яшовчи юзлаб болажонлар ҳам бундай эътиборга эришди.

(Давоми 4-бетда).

Ислохотлар инсон учун!

МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК УЧ ҚАРОР

Уларнинг ижобати тўғрисида бугун ер ўзининг муносиб эгасини топмоқда, мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу асосда оилалар даромадини оширишнинг мисли қўрилмаган зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда.

2005 йил 4 декабрь. Эсимда, шу кун биз Наманган вилоятининг Косонсой туманида эдик.

Ганинг оғири, — деди суҳбатдошимиз Фарҳоджон Пулатов, — бизнинг «Кўзимбой» ширкат ҳўжалигимизда сўнгги йилларда пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартнома режалари сурункасига бажарилибди. Оқибатда унинг турли тўловлари доир қарзлари 1 миллиард сўмга етди. Бундай аҳолида деҳқоннинг бири икки бўлиши мумкинми?

Шу боис Президентимизнинг шу йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги кооперативларини (ширкатлари) фермер ҳўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-215-сонли қарори асосида бўлиб ўтган пайчиларнинг умумий йиғилишида иқтисодий қўлоқлик сабаблари батафсил муҳокама этилиб, зарар қўриб ишлаётган ушбу ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан қарор қабул қилинди. «Фермерлар бугунги кунда қандай ижобий натижаларни кўлга кўришди» деган сўз билан қўриб ишлаётган ушбу ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан қарор қабул қилинди. «Фермерлар бугунги кунда қандай ижобий натижаларни кўлга кўришди» деган сўз билан қўриб ишлаётган ушбу ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан қарор қабул қилинди.

миз билан қўриб турибмиз. Нима, улардан бизнинг кам жойимиз борми? — дейишди кўзимбойликлар.

Қарорга қўриб, ширкатни тўғатиш ва унинг негизда фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш бўйича тузилган 23 кишидан иборат комиссия таркибига, табиийки, қишлоқ ҳўжалиги агро-хассислари, хусусан, мура-хасини, иқтисодчи, ер тузуви, суяги меҳнатда қотган деҳқон, юрист, солиқ, идораси ходими, қишлоқ оқсоқоллари ва фаоллари киритилди. Уларнинг олдига, лўнда қилиб айтганда, иккита гўят мўҳим вазифа турарди. Биринчиси — собик жамоада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш чораларини қўриш бўлса, навбатдигиси — ерни ҳақиқий эгасига танлов асосида тақсимлаб беришдан иборат эди.

Кейинроқ билсак, Фарҳоджон Пулатов мазкур қайта ташкил этиш комиссиясининг таъкиб этикан.

— Муаммоларнинг энг асосийси ва оғири — ширкат ҳўжалигининг ўша қарийб бир миллиард сўмлик қарзини қоплаш эди, — дея сўзини давом эттирди у. — Шунинг учун биз бу ердаги мол-мулкни хатлаб, тегишли

бахосини чиқарган ҳолда барини «Кимощи» савдосига қўйдик. Сўтудан тушган маб-лағ ҳисобига эса барча тўловларни узамиз, пайчиларнинг иш ҳақидан қарзи ва пай улушини ҳисоб-китоб қиламиз.

— Узингиз тилга олган иккинчи мўҳим масала — «Фермер ҳўжаликларини юритиш учун ер участкаларини беришидан танлов олиб бериш» деган сўз билан қўриб ишлаётган ушбу ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан қарор қабул қилинди.

— Тарихий 215-қарорга мувофиқ, «Кўзимбой» ширкат ҳўжалигининг жами 1650 гектар экинзорини 40 та фермер ҳўжалигига ажратиб беришга ўртача 42,5 гектардан ер тўғри келиши аён бўлди. Гапнинг ростки, бу анча мураккаб тўловдими, гарчи бир ой аввал маҳаллий газетда шу ҳақда эълон берилгани, жойларда тушунириш ишлари олиб бориладигани қарамасдан, дастлаб дадил ариза беришга кўпчиликнинг юраги доир бермади. Бунинг тушуна бўларди, албатта. Чунки илгари 40-50 нафар пудратчи ўзининг оила аъзолари билан ишлаб келган шўна майдоннинг масъулиятини зиммага олиш осон ишми? Қо-

лаверса, фермер бўламан, деган киши ана шу ернинг бугунги ёки эртанги кунини эмас, балки камда 25-50 йиллик тақдирга жавоб бериши керак эмасми? Йўқ, ўзинга ишонганлар, яъни ҳақиқий кураш майдонини очиб ва адолатли ўтадиган танловда гўлиб бўлиш учун имкониятлари рейтинг балларига мўл келадиган талабдорларни кўриб олганлар, бу ҳар бир ширкатни далага — комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага ўртача уч нафардан талабдор бор, дегани.

У бизни иш столидаги компьютер ёнига таклиф этди. Маълумотлар билан танишамиз. Улардан бирида, айтилди, шўндай ёзувларни ўқиймиз: «Сайдулло Мирзаев. Фермерлик дипломига эга — иқтисодий коллежини тасмоллаган. Иш стажы — 10 йилдан зиёд. «Кўзимбой» ширкат ҳўжалигига ҳўсилот ёрдамчиси, бош пудратчи вази-фаларида ишлаган. Бош пудратчи сифатида эса ҳар йили махсулот етиштириш бўйича шартнома шартларини бажариб келди...»

Шу маҳал котиб яна бир талабдорни рўбарў қилди. У — ижара пудратчиси Зафаржон Мансуров экан.

— Бутун умрим далада ўтайпти, — деди у. — Тажриба борасида кўнглим тўқ, ҳўсоби-китоби ҳам билман. Пудратчи бўлганимда, чек усулида ишлаб, ҳар бир

тийинни иқтисод қилиш, пировард натижада зарур даромадга эришини ўрганиб олдим. Қарасам, бошқа имкониятларим ҳам Нисом талабдорига тўғри келаркан. Аммо, тан олиш керак, ҳўж-жатларимни тайёрлашда кўйналдим. Бунга биринчи бор дўх келишимда. Яъни, кўн, бунда комиссия аъзолари ўз йўналишлари бўйича ёрдам бердилар. Аинқас, туман консалтинг хизмати ҳўдмиларнинг бизнес-ре-жани тузишдаги хизматида миннатдорман.

— Танловда гўлиб бўли-шингизга ишонасизми? — Бу албатта Комиссия ва Жамоатчилик Кенгашига боғлиқ. Бироқ мен бир нарсадан хотиржамман. Гап шўндаки, бизда етти кишидан иборат Жамоатчилик Кенгаши иш олиб бораёт-ти. Унинг таркибиди ким нимага қодирлиги ҳақида мўх-тасар баҳо бера оладиган оғу-р-эйтиборли пахтакорлар бор.

Пировардда Фарҳоджон Пулатов шўндай деди: — Бизнинг зиммамизга гўят масъулиятли вазифа юклатилган. Бу вазифани қай даражада бажарайгани-мизни кўпчилик назорат қилиб турибди. Демак, тан-лов ошқора ўтиб, охирик-оқибатда ҳақиқат нури, адо-лат ёруғлиги таъминланди — ризқ-рўзимиз етиштири-ладиган ер фермерликини ҳавас деб билган, ҳар бир

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚЎМИТАЛАР ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Минтақавий ҳавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сийёсий ташаббуслари» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Уни мазкур қўмита раиси А. Турсунов олиб борди.

Семинарда дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси ректори Қ. Назаровнинг жаҳиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида миллий ҳавфсизликни таъминлаш масалалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг, минтақда яшаётган халқларнинг мўҳим ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологик характердаги умуминтақавий масалаларни ечиш учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш борасидаги ташаббуслари мўҳим аҳамиятга эга. Шу боис семинарда сўзга чиққанлар минтақда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқор терроризм, диний экстремизм, наркотрафикка қарши курашда халқор ҳамкорлик, Марказий Осиёда ядродан холи зона

ташкил этиш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларда давлатимиз илгари сураётган вазифалар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди. Аинқас, иштирокчиларнинг сўнгги вақтларда мамлакатимиз атрофида кучаяётган ҳамда турли шакл ва усулларда амалга оширилаётган ахборот тажовузли тўғрисидаги фикрлари қизгин мунозарага сабаб бўлди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси каби шиорлар остига яширинган ушбу чиқишлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини бузиб кўрсатишдан бошқа нарсани эмаслиги рўй-рост айтилди.

Шунингдек, тадбирда мавжуд муаммолар масалаларини ҳал қилишда минтақ давлатларининг сый-ҳаракатларини жишлатириш, янгилаш ёрдамларига асосланган қарашларни шакллантириш, ўзаро ҳамкорликда аниқ натижаларга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кун қўи палатада Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТГ)га кириши чоғида мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири қаматириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳўқуқий-меъёрий ҳўжатларимизни халқор ҳўқуқ нормаларига мослаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлди.

Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Иқтисодий, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Марказий банк, Солиқ ва Божхона қўмиталари, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказининг мўтахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон 1994 йилда ЖСТГА кузатувчи мақомини олганлиги, мамлакатимизда ушбу ташкилотга кириш билан боғлиқ бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилаётганлиги, хусусан, идоралар оғу-р-эйтиборли тузилганлиги қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ЖСТГА аъзо бўлиши йўлида биринчи

ташкилий босқич яқунланди. Мўтахассислар кейинги босқичга ўтиш ишлари ҳам бошлаб, юборилганини таъкидлашди. Унда асосий эътибор Ўзбекистоннинг нафрат ЖСТГА кириши билан боғлиқ ҳўқуқий-меъёрий нормаларни шакллантириш ва тақомиллаштириш, балки музокаралар чоғида юртимиз манфаатларини, унинг иқтисодиётининг соҳа ва секторларини ҳимоялашининг умумий тўғи-йўлиларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар муҳокама қилинаётган масалалар асосида Солиқ ва Божхона қўдалари ва бошқа қонун ҳўжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бугунги кунда қонунчилик фаолиятининг долзарб масалалари эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Эътибор АШУРОВА, Салим ДОНИЕВОВ.

Диний қадриятлар эъзозда

Янгилаш ва уйғониш айёми — Наврўз байрами шодийналар давом этаётган бир паллада Навоий шаҳри аҳолиси, хусусан, мусулмонлари ҳаётида яна бир хурсандчилик бўлди. Юртбошимиз ўз мулоқотларидан бирида, «Бизнинг шўндай буюк меросимизга сабаб бўлиб турган бош омилардан бири нима, деб сўралганда, мен ҳеч иккиланмасдан «Бизнинг муқаддас динимиз» деб жавоб бердим» деган эътибор билан Дарҳақиқат, муқаддас ислом дини таълимоти ривожига юртимиз да-ҳолари катта ҳисса қўшганлар ва бу ҳақда ахли томонидан ҳамиша эътироф этиб келинади. Бу илоҳий қадриятлар бугун ҳам эъзоз топмоқда.

Кўни кеча вилоят марказида шарқ меъморий услубида қурилган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталган марказий масжид биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кўп миллатли навоий-

ликларини ушбу мўътабар масканнинг очилиши билан муборакбод этиб, қўмуқамти томонидан миллий ва диний қадриятларни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш борасида тобора кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани, аждодларимиз руҳи шод этилаётгани, хусусан, Президентимиз ташаббуслари ила Навоий шаҳрида мазкур қадимоний қад кўтаргани ҳам маънавиятимизга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси эканини таъкидладилар.

Иштирокчилар ушбу ишоот давлатимиз олиб бораётган оқилона сийёсий ва мамлакатимизда турли диний қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун яратилган шарт-шароитларнинг ижобий натижаларидан бири эканини айтиб ўтдилар.

Мамлакатимиз Президентини Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқларида халқор террорчи қучлар ўта маккор ва ёвуз усулларни қўллаётган бугунги мураккаб

(Давоми 2-бетда).

Буюк Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллиги олдидан Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган илмий-амалий конференция шу мавзуга бағишланди.

Темурийлар даври тарихи ва маданияти



Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Амир Темурининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни, бугунги кунда илмий ва бадий асарларда Соҳибқирон ҳақида одилона ва холисона фикр юритилаётганлиги ҳақида гапирди.

Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг «Ибн Араб-шоҳнинг «Амир Темури тарихи» асари», Ўзбекистон халқ шоири, профессор Муҳаммад Алининг «Амир Темури ва темурийлар даври давлатчилиги», тарих фанлари номзоди Баҳриддин Манноновнинг «Соҳибқирон ва Бозид Илдирым муносабатлари», филология фанлари номзоди Поён Равшановнинг «Амир Темури ҳақида туркий қиссалар» ва бошқа олимларнинг маърузалари ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган маълумотларга бойлиги, дадил илмий ҳулосалар баён қилинганлиги билан конференция қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Конференция ишида вилоят ҳўкимини Н. Зайниев қатнашди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Бевосита мулоқот Сизни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи эшитиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини ташкил этиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва унга тегишли қарорлари, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш ҳавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортини йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига автомобиль транспортини хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг янада аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳўжатларда асосий эътибор аҳолига автомобиль транспортини хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан, аинқас, мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар сизни ушбу Фармон ва Қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёки умуман соҳага доир бошқа масалалар қизиқтирса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти билан ҳамкорликда уюштирилаётган бевосита мулоқотда барча саволларингизга

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи Абдурахмон АБДУВАЛИЕВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 4 апрель кунини соат 10.00 дан 12.00 гача 134-38-59, 144-47-28 телефонлари орқали ўтказилади.

Саволларингизни тахририятнинг 136-36-65 телефони, 136-37-85 факси ёки info@xs.uz электрон почтаси, шунингдек, Агентликнинг avto_06@bk.ru электрон почтаси орқали олдидан йўллашингиз ҳам мумкин.

Сунгги соатда Андижон фарзанди — иккинчи бор жаҳон чемпиони

Андижон замини мустақиллик йилларида мамлакатимиз учун чин маънода чемпионлар тайёрлаб берадиган масканга айланиб бормоқда. Боз бўйича Олимпияда чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, Осиё ва жаҳон чемпиони ўткирбек Хайдаров, яқингинада профессионал боксининг ўта оғир вазинда китъаларо чемпиони камарини кўлга киритган Руслан Чагаев ҳам шу замин фарзандлари ҳисобланади. Бу номларни узоқ давом эттириш мумкин. Таиланд пойтахти Бангкокда муай тай бўйича яқун фарзанди Мавлон Қаҳоров барча рақибларини енгиб, шохсуланинг юқори поғонасидан жой олди.

Чемпионатда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан номдор спортчилар қатнашганини ҳисобга олсак, талабнинг нуфузи қанчалик баланд эканлиги маълум бўлади. Ибросан туманида туғилган Мавлоннинг финалда россиялик тахрибали спортчини мағлуб этиши катта шов-шўмага сабаб бўлди. Шунини диққатга сазоворки, бу ҳўжотимизнинг иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишдир.

Шунингдек, жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз туртта кумуш ва учта бронза медалларини ҳам кўлга киритишди.

З.ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган ҳафтага назар

Шарқ халқлари Наврўз айёмини янги йил кираиб келиши сифатида байрам қилишди. Бу кунни яшариш, поклик, бегуборлик ва янгиликни фасли, дея эътироф этади халқимиз.

билан интеграциялашувида Қозоғистон муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимизнинг бир минтақада жойлашуви миллий иқтисодиётларимизнинг бир-бирига бевосита боғлиқлигини аниқлатади.

буотда эълон қилинди. Қарорда «Хомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан туман ва қишлоқларда 100 тадан 200 тагача сигир эхтиёманд ва кам таъминланган кўп болали оилаларга бепул берилиши кўрсатиб ўтилган.

МАҚСАДАРИ МУШТАРАК УЧ ҚАРОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

кетмон тугишни билмайдиган ҳавоний шахслар қўлига тушиб қолмайди, балки у ҳалол меҳнат билан ҳалқи ва юртини бойитишни кўзлаган, чинакам фидойий эгасини топади.

МАВЛУМОТНОМА. Президент Қарорига асосан, жорий йилда зарар кўриб шиллаётган, паст рентабелли ва истиболониз 428 та ҳамда Хукумат Комиссиясининг қарори билан 19 та, жами 447 та қишлоқ ҳўжалик қорхонасини фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги фермер ҳўжаликларини ташкил этиш учун талабдорлар томонидан 98191 та ёки ўртача бир лойиҳага 2,8 тадан арива тушган эди. Хозиргача 34637 та фермер ҳўжалиги тўзилиб, уларга 716564 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди.

2006 йил 18 январь. Фаргона вилоятида бўлганимизда, бир ум боғдорчилик билан шугулланиб келадиган бир отахон шундай деб қолди:

III. 2006 йил 24 март. — Кеча Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидан чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, тўриси, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Юртбошимизга раҳмат! Фермерларга пахта ва галла етиштириш учун ер бўлиб берилапти. Бу бордаги танловлар эса, ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз, ошқора, ҳолис ва адолатли ўтапти. Бу яхши. Аммо мавжуд боғ ва тоқзорларнинг тақдирини нима бўлади? Улар хозирги ҳолатда қолаверадими? Ахир бизда бу тармоқни ҳам янада ривожлантириш, яъни кўплаб нознеъмат етиштириш учун жуда қулай имкониятлар бор-ку?!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узоқмиқли соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 11 январдаги тегишли Қарори эса қўпчилиги ўйлантиратган ушбу масалага ҳам ечим топиб берди. Биз нималарни назарда тутамиз?

Авалло, шунини таъкидлаш керакки, Фармонда, узоқмиқли иқтисослашган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунни талабларига мувофиқ, мавжуд иқтисослашувни сақлаган ҳолда фермер ҳўжаликларига айлантириш белгилаб берилди. Бундан ташқари, ширкат ҳўжаликларининг экин майдонларига махсус комиссиялар томонидан очилган ошқора ва ошқоралик асосида адолатли танловлар ўтказиш йўли билан фермерларга бериш, боғ ва тоқзорларни эса талабдорларга «Кимосиди» савдоси орқали сотиш, тугатилмаётган ширкатлар ҳудудидан зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш вазифаси ўртага қўйилди. Қолаверса, янгидан ташкил этилаётган фермер ҳўжаликлари фаолият юритишининг асосий тамойили ва шартлари хам аниқ кўрсатиб берилди.

Миллий матбуот марказида 27 март кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси матбуот хизмати томонидан ташкил этилган семинар-кенгашда шулар ҳақида сўз юритилди. Очил мулоқот тарзида ўтган ушбу тадбирда мутасадди раҳбарлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Таъкидландики, Президентимиз имзоланган учта қарорнинг мақсадлари битта: у хам бўлса, ерни ўзининг ҳақиқий эгасига топшириш, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини яш билан таъминлаш, шу орқали оилалар даромадини оширишдан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ ҳўжалигидега ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Иқром ЎТБОСАРОВ.

Диний қадриятлар эъзозда

(Давоми. Боши 1-бетда).

вазиятда «...ҳар қандай таъвозу ва террорчилик ҳуржларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда. Бу курашдан ҳеч қандай четда қолмаслиги керак», — деб таъкидлаган эдилар.

Ана шу юғларга таянган ҳолда, сўзга чиққанлар маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, бунёд этилган ушбу диний маскан халқимиз учун анъанавий бўлган ханафий мазаҳабига мос эътиқодни тарғиб қилади, тинчлик-осойишталикни сақлаш, диний экстремизмнинг чеки йўқ.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Байрамларга пайвасга кунлар

батлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, айни пайтда минтақамизда кўчли интеграциялашуви жараёни жадал давом этмоқда. Чегараларни очиш, умумий божхона қоидаларини жорий қилишга тўсиқ бўлаётган бир қатор масалаларни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида босқичма-босқич ҳал қилиб борилапти.

Н. Назарбоевнинг қайд этишича, бугунги кунда Қозоғистонда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан тузилган 86 қўшимча қорхона ишлаб турибди. Форум сўнгидега мамлакатлар ўртасида энгил санаот, машинасозлик, транспорт коммуникацияси, нефть-газ каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини фаоллаштириш, ҳусусан, қўшма биз-

ненталь» меҳмонхонасида ўтказилган ўзбек ва қозоқ ишбилармон доираларининг бизнес форумида қатнашган давлатимиз раҳбари ҳеч бир давлатнинг иқтисодиёти бир-бирини тақдорламаслигини таъкидлади.

Хўллас, ўтган ҳафта юртимиз ва дунё ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Бир сўз билан айтиш мумкинки, бу қисқа давр Ўзбекистон учун ҳам баракали келди.

Хўллас, ўтган ҳафта юртимиз ва дунё ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Бир сўз билан айтиш мумкинки, бу қисқа давр Ўзбекистон учун ҳам баракали келди.

тўхталар экан, ҳаётий бир мисол билан ўз фикрини исботлаб берди. Бугун Европада 20 дан ортиқ тиллар мавжуд. Европалик тадбиркорлар бир-бири билан мулоқотга киришиши учун таржимонлар талаб этилади. Ўзбек ва қозоқ ишбилармонлари учун эса бу масалада ҳеч бир муаммо йўқ. Ҳеч бир воситасиз ўзаро бир-бирини аниқлаш бевосита муваффақият гарови ҳисобланади.

Хўллас, ўтган ҳафта юртимиз ва дунё ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Бир сўз билан айтиш мумкинки, бу қисқа давр Ўзбекистон учун ҳам баракали келди.

билан таъминлаш ҳам мазкур қарорда аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Шу ўринда бир ҳақиқатни эътироф этиш лозимки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида бунчалик кенг қамровли ҳужжат бoshқа давлатларда қузатилгани йўқ.

Хўллас, ўтган ҳафта юртимиз ва дунё ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Бир сўз билан айтиш мумкинки, бу қисқа давр Ўзбекистон учун ҳам баракали келди.

Юнус БУРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ўзбеклар ва корейларнинг ўхшаш томонлари кўп. Меҳнатсеварлик, меҳр ва оқибат туйғулари бир-бирига тортиб туради бу икки миллатни. Ўтган асрнинг элгинчи йилларида Марказий Фарғона бағрида ташкил топган Мингбулок туманининг оёққа туриб олишида ҳам корейлар маҳаллий аҳоли билан бир сафда туриб, шўрхок ерларни экинзорга айлантиришда жонбозлик кўрсатгани кўпчилигининг ёдида.

Лим Мен Гик ва унинг сафдошлари «Гигант» довуругини мамлакат таратиши йўлида шундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Ҳўжаликнинг ажойиб кўрғони бунёд

қувонтирган бўлса, Лев Ким, Мария Цай, Дилия Канлар кўксини қатор медаллар беэаб тургани қардош халқ вакиллари эъзоз топаётганидан нишона.

Мингбулоклик корейлар

Собиқ Иттифоқ даврида Россиянинг шарқий ўлкаларидан кўчириб келирилган корейлар Меҳнатобод қишлоғи ўрнидаги қамишзор ва боғ-қўқилардан иборат қимсасиз ўзига чайла қуриб, иш бошлаганлар. Шўрланган ерларни фақат шולי экин орқалигина элақчага келтириш мумкин эди.

Иш давомида ҳўжалик раисининг ташкилотчилик қобилияти намоён бўлди. Ҳўжалик ишларини бажаришда техника кўчидан умумий фойдаланилди. Ўз навбатида, ҳосилдорлик кўтарила боради. Эл-лигинчи йилдан эса «Гигант»-лик миришкорлар пахтачилик, полизчилик билан ҳам шугуллана бошлайдилар.

этилиб, мактаб, маданият уйи, болалар боғчалари сингари бири бирдан кўркам ижтимоий иншоотлар, меҳнат аҳли учун қулай ва шинам турар-жойлар барпо этилди.

Бугунги авлод Лим Мен Гик амалга оширган катта ишларни фахр билан эслайди. Лим ога сингари туман тараққиётига муносиб улуш қўшган корейлар Мингбулокда жуда кўп. Масалан, Клара Ем узоқ йиллардан буён халқ таълими соҳасида ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган. Уни давлатимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан тақдирлиниши барча ҳамкасбларини

Кўдротилла НАҲМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Қосимжон АКБАРОВ, «Меънавият ва маърифат» маркази Мингбулок туман бўлими раҳбари.



Яхшилик гулин

Баҳор ўзининг ҳусни-тароватини бутун Ўзбекистонимизда намоён этмоқда. Мен ҳар сафар юрт кезганимизда, Сарисий бодомзорларини Элликқалъа жойдазорларига, Асака гулзорларини Баландқир лозорларига, Каттакўрғон уюмзорларини Китоб ёнқорларига, Риштон анжирзорларини Чуст ўрикзорларига, Ҳазорасп олмасзорларини Ховос гилосзорларига, Гиждаубон тутзорларини Ҳўжабод шафтолизорларига қиёслайман.

Жаннатмақон юрти-миз билан фахрланар эканмиз, қадриятларимиз тобора қадр топиб бораётганлигига ҳам шукр қиламиз. Наврўз — шундай қадриятларимиздан бири. Биз бу байрамни халқ сайиллари тарзида ўтказамиз. Халқ сайили — биз учун анъанага айланиб қолган қадрият. Қадимдан барча байрамларимиз шу тарзда ўтказиб келинган. Демак, ўзлимизга қайтиш йўлида бу йил яна бир кутлуг қадам қўямиз.

ногирон ва ёлғиз одамлардан бошлаган маълум. Кўз кўзга тушганда диллар сўзлашади, инсоннинг инсонга меҳри ортади. Айниқса, қариялар, етим-есирлар, бева-бечоралар, ногиронлар ва ёлғиз кишилар меҳрга, эътиборга, эъзозга муҳтож бўлади. Диллардан қиш губори кетиб, баҳорий илқилик ва кўтаринчилик пайдо бўлади. Зеро, таниқли маърифатпарвар шоир Фурқат ёзганидек: «Фасл Навбаҳор уди кетибон зимистонлар, Дўстлар, ганиматдир, сайр этинг гулистонлар».

Фасл файзи

Гўзал ва мафтўркор юртимизда баҳор кезмоқда. Шу кунларда миллий қадриятларимиз қадр топаётган маҳалларини, баҳорнинг ҳузурбахш таровати кезаётган дилқушо боғларини, қиш уйқусидан уйғониб, деҳқонни ўзига чорлаётган далаларини, яшилликдан яшнаётган кир-адирларини айланганининг гашти ўзгача. Табиатнинг мўъжизаларига тан бермай йўлжингиз йўқ. Бироқ фусункор манзараларни таърифлашга ожизмиз. Назарини, қалбимиз тўридаги қувончли ҳиссийларни ифодалаган арзийдиган сўз тополмаймиз.

Меҳр уруғин экиб, терайлик

ган паллада кўчада учраган қарияга салом бериш ҳам, шодон болаларни эркалатиш ҳам, нотаниш қимсага илтифот кўрсатиш ҳам эзгулик ҳисобланади.

ярашади. Биз Наврўзга пешовз чиқар эканмиз, умумхалқ хашари кунларини юксак уюшқоқлик билан ўтказдик. Хашар элимизга ярашган анъана бўлгани учун ҳам ундан ҳеч қим четда қолмади.

«Меҳр уруғин экмаган термас яхшилик гулин», — дейди Ҳофиз Шероий. Агар биз Наврўзда меҳр уруғини эксақ, бундан йил давомида яхшилик гуллари терамиз. Яхшилик қўкламга кўркамлик бағишлаганидек, Наврўзга озодалик, саранжом-сарихталик

Ичимлик сувида муаммо бўлмайди

Жанубий Корейнинг «Шиндонг Энерком» компанияси уюштирган тантанали тадбирдан сўнг Жиззах шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари аҳоли эзгу ниятларининг ихобат бўлишига ишониб, уйларига қайтишди.

Маълумки, ичимлик суви азалдан барча жойларда муаммо бўлиб келган. Жиззах шаҳрида яшовчи 150 минг нафар аҳолининг асосий қисмидаги кундалик муаммо ҳам худди шундай. Улчов асбоблари йўқлиги, тармоқларнинг ишдан чиққанлиги боис хонадонларга етказиб берилаётган сувнинг ҳам деярли ярми исроф бўлаётгани ўта ташвишли ҳол.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳукуматимизнинг давлат дастурига кирганлиги боис жаҳондаги бир қатор нуфузли банклар мамлакатимизга ўз инвестицияларини киритишмоқда.


Шаҳар хонадонларига сифатли, тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида тайёрланган лойиҳага 20 миллион АҚШ доллари сарф этилиши лозим. Шундан 11 миллион долларини Осий тараққиёт банки ўз зиммасига олган. Шу маблаг эвазига мавжуд барча ичимлик суви иншоотлари, улардаги ускуналарни тўла қувват билан доимий автоматик тарзда ишлашсини Туркиянинг «ТМЛ» компанияси таъминлайди.

«Шиндонг Энерком» билан Туркиянинг «АЛКЕ» компаниялари ниятисига етказишди. Хуллас, янаги йил охиригача вилоят маркази аҳолиси хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланади. Бохриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Энергетика соҳасида ягона сиёсат

Европа Иттифоқи етакчилари ҳамкорликда энергетика хавфсизлигини таъминлашни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлик қилишга келишиб олишди. Еврокомиссия президенти Жозе Мануэль Баррозунинг маълум қилишича, Брюсселда бўлиб ўтган саммитда ягона энергетика сиёсатини олиб бориш гоёси бир овоздан қўллаб-қувватланган.

Бирок, ушбу таклиф аъзо давлатлар ўртасида турли баҳс-мунозараларни бошлаб бериши ҳам мумкин. Чунки, илгари сурилатган гоёга кўра, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган энергетика соҳаси бошқарувида хорижий компанияларни сиқиб чиқаришга тўғри келади. Таҳлилчилар агар шундай сиёсат олиб борилса, ЕИ ҳудудида энергетика соҳасида рақобат йўқолишини таъкидлашапти.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Сигарет чекканга жарима

Шотландияда жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқловчи қонун кучга кирди. Мамлакатдаги кашандалар



мазкур қонуннинг кучга киришини инсон ҳуқуқларининг чеклиниши дея изоҳлашапти. Уларнинг фикрича, шу қонунни деб қўллаб иш жойлари сиқиб кетиши мумкин. Сигарет чекишни тақиқловчи қонунлар устидан Англия ва Шимолӣ Ирландияда ҳам ишлар олиб борилапти. Хусусан, Англияда бундай тақиқлов 2007 йил ёзида кучга кириши режалаштирилган.

Шотландия Бош вазир Жек МакКоннелл жамоат жойларида чекишнинг тақиқланиши келажак авлод саломатлигини яхшилаш йўлидаги муҳим қадам дея таъкидлади. Эндиликда ким бу қонунни бузса, 87 доллар атрофида жарима тўлайди.

Гаровдагилар озодликда

Нигерияда уч нафар хорижий фуқаро гаровдан озод қилинди. Улар мамлакатдаги нефть компанияларида ишлаб келишадиган АҚШ ва Буюк Британия фуқароларидир. Маъбуслар шу йилнинг 18 февралда жангарилар томонидан ўғирлаб кетилганди. Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги АҚШнинг Лэйгсдаги элчихонасидан олинган маълумотга таяниб хабар тарқатди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 18 февралда Shell компаниясининг тўққизта ходими Фарқадос шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда «Нигерия дельтасини озод қилиш ҳаракати» жангарилари томонидан гаровга олинганди. Улар гуруҳнинг икки етакчисини қамоқхонадан озод қилинишини ва мамлакатдаги нефть ресурсларининг катта қисмини ўз назоратларига беришни талаб қилишадиганди. Жорий йил 1 мартда гаровдагиларнинг 5 таси озод қилинганди. Бирок ҳозирга қадар жангариларнинг қайси талаблари бажарилгани маълум эмас.

Ваколатидан фойдаланиши мумкин

На'аретз газетасининг ёзишича, Фаластин мухторияти президенти Махмуд Аббос ХАМАС ҳукуматини тарқатиб юбориши мумкин. Бу ҳақда газета мухбирига Махмуд Аббоснинг ёрдамчиси Таеб Абдел Раҳим маълум қилган. Унга кўра, ХАМАС гуруҳи томонидан мухторият бош вазирининг лавозимига номзоди илгари сурилатган Исмоил Хонийга президент мактуб йўллади, агар гуруҳ Фаластин манфаатларига зарар келтирувчи қарашлардан воз кечмаса, мамлакат асосий қонунда белгиланган ваколатига биноан, унинг тузилаётган ҳукуматини тарқатиб юбориши мумкинлигини айтган.



Кузатувчилар Махмуд Аббоснинг Исмоил Хонийга бундай мактуб йўллашдан мақсади, ўзи ҳам ХАМАС гуруҳи мақсадларига қарши эканлиги тўғрисида огоҳлантиришидир, дея таъкидлашапти.



Америка ҳарбийлари Бағдод марказида 18 киши сақланаётган махфий қамоқхона борлигини аниқладилар.

Махфий қамоқхоналар топилди


Мамлакат ички ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, АҚШ ҳарбийлари ноқонуний қамоқхона билан алоқадорликда гумон қилинган 40 нафарга яқин ироқлик полициячиларни ҳибсга олди. Ироқ ҳукумати мазкур иш юзасидан кенг кўламли текширишни бошлади, дея хабар берди «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Ўтган йили ноябрь ойида ҳам америкаликлар Бағдодда худди шундай қамоқхона фаолият юришганини аниқлагандилар. Ушунда бедарах йўқолган 178 нафар ироқлик озод қилинганди. Махфий қамоқхоналарни Ироқ ички ишлар вазирлигининг ҳоқори мартабали мулозимлари назорат қилиб келишган. Маъбусларнинг кўрсатма беришича, уларни маҳаллий полиция ходимлари тўғри келган жойда — уйда, кўчада қамоққа олиб, ҳеч бир айблов эълон қилинмасдан узоқ муддатларга сақлаб туришган ва турли қийноқларга солишган.



Синовдан ўтказилаётган

«Би-Би-Си»нинг хабар беришича, Германиянинг Гамбург шаҳрида Airbus A380 самолёти синовдан ўтказилаётган пайтда 33 киши турли даражада жароҳат олди. Манбада айтилишича, самолёт ҳалокатга учраётганда йўловчиларни эвакуация қилиш машқи бажарилаётганда шундай ҳолат рўй берган. Шунга қарамастан, Airbus раҳбарияти машқ аъло даражада уйданди, дея ҳисобламоқда, Компания вакилининг сўзларига қараганда, самолётдаги йўловчи ролдаги 850 та кўнгилли 90 секунд ичида борти тарқ этиши керак эди. Ушбу машқ бажарилаётганда чиқиш йўллари яри ёниқ бўлган. Бундан ташқари, йўловчилар қийим ва юкларини ҳам ўзи билан бирга олишган. Бу эса борти тарқ этишни нисбатан қийинлаштирган. Кўнгилли йўловчиларнинг 40 фоизи аёллар, яна 35 фоизини 50 ёшдан ошган одамлар ташкил қилган.



Шодиёна этади давом

Қадимий айём — Наврўз шуқуҳи юртимизда ҳамон кезиб юрибди. Жойларда ушбу қутлуг айём муносабати билан тантаналар давом этмоқда.

Ҳам томоша, ҳам совға

Ана шундай байрам тадбирларидан бири Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳарнинг тармоқ касба уюшмаси кенгаши ҳамда Ўзбекистон савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкил этилди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий академик драма театрида бўлиб ўтган мазкур тантанана намунали касба уюшмалари ва тадбиркорлар тақлиф қилинди. Бир гуруҳ соҳа ходимлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Намойиш этилган сахна кўринишлари, бадий-музика чикишлар илғиланларга байрамона кайфият бахш этди.

Ўз мухбиримиз.

Академик лицейнинг янги биноси

Наврўз байрамининг шуқуҳи кунларида кўна Самарқанд шаҳрида бир неча янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирлар катта тантанана айланди. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей жамоасига ҳам қурувчилар ақойиб совға тўхта этилди. Уч қаватли янги бино қисқа муддатда қуриб ётиказилди. Бу ерда кутубхона, лабораториялар, ётоқхона, спорт зали, ошхона ҳамда ёшларнинг ўқиши ва чинқиши учун бошқа барча шарт-шароитлар мавжуд. 2005-2006 ўқув йилида аниқ фанлар, хорижий филология ҳамда техника фанлари йўналишида қабул қилинган ўқувчилар тажрибали устозларидан билим сирларини ўрганимоқдалар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОМОНАТИНГИЗНИНГ КАРОЛАТИ БОР!

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, аҳолини банкларга нисбатан ишончини янада оширишнинг самарали омили — бу уларни ҳимоялаш тизимини ташкил этиши. Яъни ўзларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банк омонатларига жойлаштирган омонатчиларнинг қонуний талаблари ва манфаатларини ҳимоялашни йўлга қўйиш керак. Шу мақсадда бизда ҳам Хамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан

бўлиб, республикамизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарори билан ташкил этилган эди. Қисқа давр ичида ушбу Фонд республикамиз аҳолисининг эътиборини қозонди. Бунинг бугун омонатчилардан тахриратимизга келадиган қўллаб-қувватлаш шундан далолат беради. Ушбу саволларга эса Фонд ижроия директори ўринбосари Н. АББОСОВ жавоб беради.

бўлса, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 2,6 баробар ошди.

Сифат ўзгаришлари нафақат омонатлар ҳажмининг ўсишида, балки уларнинг таркибида ҳам намоён бўлмоқда. Агарда 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, омонатлар таркибида талаб қилиб олингунча сақланган омонатлар салмоғи 37,7 фоизни, муддатли омонатлар 46,9 фоизни ва жамғарма омонатлари 15,4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда талаб қилиб олингунча сақланган омонатларнинг умумий суммадаги салмоғи қисқарган ҳолда (19,5 фоиз), муддатли ва жамғарма омонатларининг салмоғи ошиб, тегишлича 57 фоиз ва 23,5 фоизни ташкил қилади.

Сўраган эдингиз...



ши республикамизда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўсишига боғлиқ: ошса, кафолатлаш ҳамон ҳам кўпайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, 2005 йил мобайнида мамлакатимизда энг кам ойлик иш ҳақи микдори май ва октябрь ойларида икки марта оширилиши муносабати билан кафолатлаш ҳажми ҳам 717,5 миң сўмга ортиб, ҳозирда 2350 миң сўмга етди.

— **Қонуннинг қабул қилиниши, шу асосда омонатларни ҳимоялаш тизимининг жорий этилиши республикамиз иқтисодиёти ва банк тизимига қандай наф беради?**

— Авваломбор, мамлакатимизда омонатларни ҳимоялаш ҳуқуқий асосларини мавжуд қилиш, Фонднинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятини аҳолини хабардорлиги ҳар бир мижозда республика банк тизимида бўлган ишончи янада ортишига сабаб бўлди. Бунинг аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми кескин суръатда ўсишидан ҳам билсак бўлади. Хусусан, 2003 йил 1 январьгача омонатлар ҳажми 62,3 фоизга ўсган

— **Марҳамат қилиб, тушуштириб берсангиз, республикамизда кафолатлаш тизимини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси қачон яратилган?**

— Мамлакатимизда кафолатлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил апрель ойида қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади. Мазкур қонундан кўзланган мақсад аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни банкларга бўлган ишончини оширишни кўзда тутиди.

— **Кафолатлаш фонди олдида қўйилган вазифалар нималардан иборат?**

— Қонунга мувофиқ, Фонднинг асосий вазифаси жағмари шакллантириш, мабод банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қақриб олинган тақдирда, омонатчиларга уларнинг белгиланган муддатда ва микдорда Фонд маблағи ҳисобидан тўлашни кафолатлашдан иборат.

— **Фуқароларнинг тижорат банклардаги омонатлари ўз-ўзидан кафолатланиб қолмайди, бунинг учун улар қандай шартларни бажариши шарт?**

— Аввало, тижорат банклари Фонд билан ёзма битим тузиб, аъзо бўлишлари ва аҳоли омонатларини ҳар чорақдаги ўртача қолдиғидан 0,5 фоиз микдорда

публикаси фуқаролари хорижиликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг улардаги омонатлари Фонд томонидан кафолатланган.

— **Банкнинг лицензияси қақриб олинган тақдирда, бир омонатчига фонд ҳисобидан тўлаб берилган маблағ микдори қанча? Бу микдор ўзгарадими?**

— Кафолатлаш микдори ҳар бир мамлакатнинг мавжуд шарт-шароити авваломбор, иқтисодиёт ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражаси, омонатларнинг таркиби ва микдорига боғлиқ. Шу маънода, бизда унинг микдори республикамиздаги мавжуд энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқи белилганган. Бу нима дегани?

Агарда банкнинг лицензияси қақриб олинган кунда ҳолатга кўра, омонат қолдиғи энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари микдорда бўлса, омонатчининг омонати Фонд томонидан тўлиқ ҳажмида тўланади. Борди-ю, омонат микдори энг кам ойлик иш ҳақининг

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

ADI International Panasonic

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

PELCO, JAS, DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER

ул. Дружбы народов, 44. Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68. E-mail: vlnlad@sarkor.uz Web-site: www.vlnlad.com

ISO 9001: 2000 Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

AVTODOM PLUS

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРАДИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАКСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУКЎРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, янговот моллари ва нон ташийдиган, янговот, вакуумли, автогазроқтаргичлар, автостахоналар, бургулаш (бурыльи), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР:

- сут ташийдиган;
- янигла ташийдиган;
- самосваллар.

ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

AKAMMAZ ARSENAL юк машиналари учун

ШИНА

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.

Сайт: www.uzkam.com тақлиф этади

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мулжал — Бобур боғи)

«TOG'LAR» MCHJ

Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача

Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача

Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)

Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар, КТП, ГТП, ТП, КСО, ВРУлар)

Авиа ва аэродром электр жиҳозлари

Пржекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳх.)

Ёритиш мосламалари жамламаси

Божхонада юкларни расмиёлаштириш хизматлари

Тел.: (+998 98) 128 5987, (+998 97) 107 2841, (+988 712) 56 0955. Т.Ф. (+988 71) 152 1629. E-mail: toglar_uz@mail.ru

